ОЗАРБАЙЖОНЛИК ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 149 (4355). | 30 июль, 1971 йил, ЖУМА | Баҳоси 2 тийин.

ҚАРДОШ ПАХТАКОРЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик, бир-бирига кўмакдош, елкадош бўлишлик, ягона мақсад йўлида ҳаракат қилиш анъаналари халқимизга хос, замонамизга мос ажойиб, коммунистик фазилатлар ҳисобланади. КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини оғишмай ҳаётга татбиқ қилиш йўлида халқимиз мисли кўрилмаган ғайрат-шижоат кўрсатаётган шу кунларда юқоридаги фазилатлар ўзгача маъно, ўзгача мазмун кашф этмоқда.

КПСС XXIV съездининг янги беш йилликка мўлжалланган Директиваларида мамлакатимиз экономикасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, перспектив вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилди. Бу режалар чиндан ҳам улкан, ҳар бир совет кишисидан юрак қўрини тўкиб ишлашликни талаб қиладиган вазифалардир.

Тўққизинчи беш йиллик план совет жамиятининг коммунизм сари бораётган йўлида, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда, она-Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлади.

Ана шу улуғвор вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда, халқ хўжалигимизнинг барча соҳалари бўйича зафарлар қучишда кўпмиллатли совет халқининг ҳамма жабҳада ҳамкорлик қилиши, бир-бирига ёрдам бериши, илғор тажрибаларни баҳам кўриши катта роль ўйнайди. Энг муҳим масалаларни коммунистлар бутун совет халқи билан маслаҳатлашиб ҳал қилиши керак, деб васият қилган эди доҳиймиз В. И. Ленин. Бу буюк ленинча принцип партиямизнинг, халқимизнинг энг қимматли, шонли анъанаси бўлиб қолганлиги ҳам бежиз эмасдир.

Шу кунларда қардош пахтакор республикалардан серқуёш Ўзбекистонимизга, жумладан пойтахт областимизга мусобақадош дўстларимиз ташриф буюрдилар. Бир неча йиллардан буён давом этиб келаётган бу яхши удум Иттифоқимизда пахтачиликни тез суръатлар билан юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон республикаларидан, Козогистон ССРнинг Чимкент областидан келган ҳамкасб пахтакорларни Ўзбекистоннинг миришкор «оқ олтин» усталари шоду хуррамлик билан кутиб олдилар.

Республикамиз меҳнаткашлари шу кеча-кундузда тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йилида 4 миллион 400 минг тонна пахта етиштириш юзасидан олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш ҳис-туйғулари билан яшамоқдалар. Областимиз олтинпазлари эса бу улкан хирмонга ўзларининг 400 минг тонналик пахтаси билан ҳисса қўшиш иштиёқида тер тўкмоқдалар.

Ҳозирги пайтда юқори ҳосил учун курашнинг энг масъулиятли даври бошланди. Шу боисдан ҳам июль, август ойлари зарбдор ойлар деб эълон қилинди. Кўпгина илғор хўжаликларда мажбуриятга яраша ҳосил етиштирилди. Ҳар бир туп ғўзада ўзини кўз-кўз қилиб турган шона, гул ва кўсаклар улкан хирмондан далолат бериб турибди.

Областимиз колхоз ва совхозларида, бригада ва звеноларида бўлган қардош республикалардан келган пахтакорлар умуман тупландаги хосилнинг яхшилигини қайд қилмоқдалар. Лекин ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Мусобақадошларимиз ғўза парваришида қатор жиддий камчиликлар борлигини ҳам рўй-рост очиб ташламоқдалар.

Ўзаро текшириш бригадаларининг аъзолари ғўзаларнинг яхши, серқўсак бўлиб ривожланиши учун парваришни сифатли ўтказиш, культивация қилиш, далаларни бегона ўтлардан тозалаш, ниҳолларни озиқлантириш, чеканкани кечик тирмаслик, айни вақтда ўсимликни қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларидан ўз вақтида амалга ошириш, муҳим экалигини таъкидламоқдалар.

Қардош мусобақадош озарбайжонлик пахтакорлар областимизнинг Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Бекобод, Оққўрғон, Пискент, Бўка сингари районларида бўлиб, дала механизаторларининг ишлари билан яқиндан танишдилар. Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Юқори Чирчиқ районидаги машъал хўжалик «Политотдел» колхозида бўлганларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштирилганлигининг гувоҳи бўлдилар. Лекин Свердлов номли, «Правда», «Ленинский путь» каби колхозларда ғўзаларни ўз вақтида культивация қилмаслик, қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланмаслик, чеканкани сифатсиз ўтказиш, сув исрофгарчилигига йўл қўйиш ҳолларига дуч келдилар. Бундай ҳоллар Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли колхоз, Пискент районидаги «Пискент» совхози далаларида ҳам учради.

Мусобақадош дўстларимиз йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиш билан бирга, дўстона ва қимматли маслаҳатлар ҳам бермоқдалар. Улар асосий эътиборни ғўзаларни культивация қилиш, озиқлантириш билан бирга сув тараш, зараркунандаларга қарши кураш, майдонларни бегона ўтлардан тозалаш ва турли хил касалликларга қарши курашга қаратмоқдалар.

Бу йилги шароитда чиндан ҳам ҳар бир литр сувдан тўғри ва тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Далаларда сувнинг исроф бўлишига йўл қўймаслик, ғўзаларни агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда суғориш зарур. Ҳар бир гектар майдонга 700—900 куб метр сув норма қилиб олиниши ва тупроқнинг 60-70 сантиметр чуқурликда намланишига эришиш яхши самара беради.

Бу йил областимизда анчагина майдонга пахтанинг вилтга чидамли «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» ва «159-Ф» навларн экилганлиги меҳнатларни роятда хурсанд қилди. Шу боисдан улар янги навлар экилган барча жойларда эрта пишадиган мўл ҳосил олинишини таъминлаш мақсадида агротехника тадбирларининг барча комплексларини маромида ўтказиш катта фойда беради, деб айтдилар. Ҳосил тақдири шу кунларда пахтакорлардан юксак уюшқоқлик кўрсатиб ишлашни, ҳар туп ғўзани меҳр-муҳаббат билан авайлаб парвариш қилишни талаб этади. Барча дала ишларини сифатли ўтказиш учун қишлоқ хўжалиги техникасидан юксак унум билан фойдаланиш керак.

Ҳозир партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг раҳбарлари, хўжалик бошлиқлари, агрономлар, механизаторлар, энтомологлар, гидротехниклар ва бошқа қишлоқ хўжалиги мутахассислари мусобақадош дўстларимизнинг қимматли маслаҳатларига амал қилиб, масъулиятни ҳар қачонгидан ҳам оширишлари, мўл ҳосил кўтариш учун инманки зарур бўлса барча тадбирий чораларни ўз вақтида кўришлари зарур.

Партия XXIV съезди барча қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда пахтадан ҳам йилдан-йилга кўп ҳосил етиштириш вазифасини қўйди ва унинг энг самарали йўлларини белгилаб берди. Энди вазифа шу йўлдан оғишмай бориб, съезд қарорларини амалга оширишдан иборатдир. Бунинг учун барча пахтакорларимиз жасорат кўрсатиб ишлашлари керак. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек «бизни фидокорона меҳнат ва илҳомбахш йиллар кутмоқда. Съезд режаларини биз шу йўсиндагина рўёбга чиқара оламиз».

Республикамиз пахтакорларининг Иттифоқимиздаги барча ҳамкасблари билан йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги ва ўзаро ёрдами бундан кейинги қўлга киритадиган улкан муваффақиятларимизнинг гаровидир. Бу дўстлик, ҳамкорлик, тажриба алмашиш ва бирдамлик ҳисси барча меҳнаткашларимизнинг коммунизм ғояларининг тантанаси йўлида янги зафарларга илҳомлантирувчи буюк кучдир.

ЧЕКАНКА СИФАТЛИ ЎТМОҚДА

БЕКОБОД РАЙОНИДАГИ НАВОИЙ НОМЛИ КОЛХОЗ далаларида ғўзаларга ишлов бериш, оби-тобида олиб борилаяпти.

Парваришда колхознинг Иўлчи Исроилов бошлиқ бригадаси пешқадамлик қилмоқда. Бу йил 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилинган.

Юксак марраларни кўзлаб ишлаётган бригада аъзолари колхозда биринчилар қаторида чеканка ишларини бошлаб юбордилар. Колхозчилар майдонлардаги чеканкани табақалаб сифатли ўтказишмоқда. Чеканкани намунали ўтказишда М. Норжигитов, Т. Умматов, С. Ўсаров, М. Ўрозалиев каби пешқадамлар айниқса ғайрат кўрсатишмоқда.

Колхоздаги Жўравой Азаматов, О. Йўлдошев бошчилик қилаётган бригада деҳқонлари ҳам ғўза чеканкасини ўз вақтида сифатли ўтказмоқдалар. Деҳқонлар — ғўзаларга меҳр билан ишлов бераётганлиги сабабли мўл ҳосил тўпланаяпти.

А. ЭРГАШЕВ.





ПИСКЕНТ районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари далаларда юқори ҳосилни кўзлаб иш юритмоқдалар. Миришкор сувчилар ва механизаторлар ғўзаларни серҳосил қилиб ўстиришмоқда. Колхознинг Испихон Сардоров бошлиқ бригадаси пахта далаларида ғўзаларни суғориш уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Сувчилар эгат ораларига шарбат оқизиш ишларини намунали олиб бормоқда. Суратларда: (ўнгда) илғор сувчилардан С. Фаиков, А. Содиқов ўртоқлар. (Чапда) эгат ораларига сув тараш пайти.

А. АБАЛЯН фотолари.

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИДА

МОСКВА, 28 июль. (ТАСС). Саккизинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг биринчи сессияси бугун эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида иш бошлади.

Л. И. Брежнев, Т. И Воронов, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, М. С. Соломенцев ўртоқлар ҳукумат ложаларида пайдо бўлганларида депутатлар ўринларидан туриб, уларни гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. СССР ва РСФСР Олий Советлари Президиумлари раислари ўринбосарлари ва президиум аъзолари, Министрлик ва идораларнинг раҳбарлари ҳам шу ерда ўтиришибди.

Сессияни энг кекса депутатлардан бири — СССР бадиий академиясининг президенти ҳайкалтарош Н. В. Томский очди.

Депутатлар академик, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти **М. Д. Миллионщиковни** бир овоздан Россия Федерацияси Олий Советининг Раиси қилиб сайладилар.

РСФСР Олий Совети Раисининг саккиз ўринбосари ҳам сайланди.

Сессиянинг иш тартиби ва кун тартиби тасдиқланади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари депутат **Л. И. Брежнев** нутқ сўзлади.

Депутатлар бир овоздан қабул қилган қарорга биноан **М. С. Соломенцев** РСФСР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинланди.

Сессия кун тартибидаги иккинчи масалани қараб чиқишга ўтди. «КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш юзасидан Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси меҳнаткашлар депутатлари советларининг вазифалари тўғрисида «РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **М. А. Яснов** доклад қилди.

БЎКАЛИКЛАР, ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ БЎШАШТИРМАНГ

Озарбайжонлик пахтакорлар областимиз далаларида

Мусобақадош озарбайжонликлар Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг деярли барча бригадаларида бўлишди. Деҳқонлар, механизаторлар билан самимий суҳбатлашдилар. Уларнинг КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш соҳасида қандай ишлар қилаётганликлари билан танишдилар. Колхозчилар мусобақани уюшқоқлик билан ташкил қилиб ҳосилга-ҳосил қўшишни қизғин давом эттирмоқдалар. Ҳар бир картада мажбуриятни қоплайдиган даражада пахта етиштириш учун кураш қизғин тус олган. Мусобақадошлар Марроншох Жабборов бошлиқ бригада аъзоларининг ишидан айниқса хурсанд бўлишди. Бу ерда дала ишларининг сифати яхши. Қатор ораларига ишлов бериш агротехника талабларига тўла риоя қилинган ҳолда амалга оширилмоқда. Коллектив бу йил ҳам ғайрат кўрсатиб ишламоқда. 70 гектар ердаги қўчатлар ўз вақтида ягана қилиниб, сифатли чопиқдан чиқарилди. Культивация ўз вақтида ўтказилди. Шунинг учун ҳам ниҳоллар яхши ҳосил тўпламоқда.

— Буларнинг ҳаммаси,— деб изоҳ бера бошлади ўртоқ Жабборов,— сентябрь ойи пахтаси. Кўчатларни машинабоп қилиб ўстирдик. Бегона ўтларни пайдо бўлишига йўл қўймаяпмиз. Машина теримини дастлабки кундан бошлаб уюшқоқлик билан ўтказиб, биринчи теримнинг ўзиданоқ пландаги пахтамизни топширамиз. Биз август ойи охирига қадар даладан чиқмай қатор ораларига камида бир ярим—икки баравар парвариш қилмоқдамиз. Ҳар гектар ердан 24 ўрнига 35 центнердан хирмон кўтариш учун курашамиз.

Деҳқон Каримов бошлиқ бригада аъзоларининг иши ҳам мусобақадошларимизни хурсанд қилди. «Октябрь 40 йиллиги», Ильич номли, Ҳамза номли ва бошқа бир қатор илғор хўжаликларда ҳам зиммага олинган социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил тўпланмоқда. Ғўзалар қондирилиб суғорилянти. Культивация чуқур ўтказилаётир. Бажарилган ишнинг устидан назорат қилиш яхши йўлга қўйилган. Колхозларнинг раҳбарлари далада ишлаётган лар учун барча қулайликларни яратиб беришган. Дала шийпонлари намунали ҳолга келтирилган.

«Ленинизм» колхози деҳқонлари ҳам беш йилликнинг дастлабки йилида фидокорона меҳнат қилишаяпти. 1300 гектар майдондаги ғўзаларнинг аҳволи ёмон эмас. Шоналар гулга, гуллар эса бўлиқ кўсакларга айланмоқда. Колхозчилар бир минг гектар ердаги ғўзани чеканка қилиб бўлишди. Қолган майдондаги ғўзалар эса 2—3 кун ичида тўла чеканкадан чиқарилади. Хўжаликнинг пешқадам бригадаларида эса ниҳолларнинг ён шохларини чилпиш ҳам бошланиб кетди.

Колхоз раиси Икром Жўраев айрим бригадаларга ғўзанинг кўкига маҳлиё бўлиб қатор ораларига ишлов бериш техникадан унумли фойдаланиш соҳасида бўшашувчиликка йўл қўйилганлигини айтиб бу соҳадаги камчиликни тезда тузатишга мусобақадошларни ишонтирди. Шу билан бирга колхозчилар август ойи охиригача қатор ораларига икки марта комплекс ишлов бериб, давлатга 3 минг тонна «оқ олтин» етиштириб беражакларини айтди.

Озарбайжонликлар Жамбул номли, Фрунзе номли колхозларнинг далаларини айланганларида бир қатор карталардаги ғўзалар ўт ичида қолиб кетганлигини, ғўзани суғоришда агротехника қоидалари бузилганлигини кўришди. Айрим механизаторлар техникадан фойдаланишга тўла эътибор бермаяптилар. Культиваторларнинг иш органлари ўтмас бўлиб қолган. 20 сантиметр ўрнига 10—12 сантиметр чуқурликда, 30—35 ўрнига 16—17 сантиметр кенгликда культивация қилинишига йўл қўяётган механизаторлар билан келишиб бўлмайди. Ғўза культивациясида ана шундай пала-партишликка йўл қўйилаберса ундай ҳолда кўплаб ҳосилни йўқотиб юбориш ҳеч гап эмас.

Мусобақадошлар жойларда бўлганларида ҳосилни йиғим-теримга техникани тайёрлаш қандай йўлга қўйилганлиги билан ҳам батафсил танишдилар. Афсуски, бу соҳада анчагина сустқашликка йўл қўйилган. «Ўзсельхозтехника» район бўлимининг марказий устахонасида, «Октябрь 40 йиллиги» колхози устахонасида бундай анчинарли фактларни кўриш мумкин. Бу ерларда ремонтдан чиқарилган техникани сақлаш ёмон аҳволда, «Теримга тайёр» дейилган машиналарнинг баллонлари ёрилиб, ғилдираклари қийшайиб ётибди. Мойлаш, бўяш ишларида пала-партишликка йўл қўйилган.

Район меҳнаткашларининг асосий эътибори она-Ватанга бу йил 55 минг тонна «оқ олтин» топширишга қаратилган. Район партия комитетининг озарбайжонлик ўзаро текшириш комиссияси аъзоларининг ишлари якунларига бағишланган бюро йиғилишида сўзга чиққан ўртоқлар эришилган ютуқларни қайд қилиш билан бирга, мусобақадошларнинг қимматли маслаҳатларини тезда амалга ошириб, йўл қўйилган камчиликларни тузатиш тадбирлари ҳақида гапирдилар. Район партия комитетининг бюроси пахтакорлар, механизаторларга маданий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш юзасидан бир қанча тадбирларни ҳам кўрди.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ҚУВОНЧЛИ ЯКУНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1971 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Тошкент область ва Тошкент шаҳар меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб ва тўқизинчи бешйиллик биринчи йили планини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, ўтган ярим йилликда халқ хўжалигини ривожлантиришда, халқ фаровонлиги ва маданий турмуш даражасини оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришдилар.

I. САНОАТ

Маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ярим йиллик плани ошириб бажарилди. 1970 йилнинг шу давридагига нисбатан саноат ишлаб чиқариш ҳажми 10 процентга кўпайди.

Саноат энг муҳим тармоқларининг маҳсулоти ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан қуйидаги миқдорда ортди:

Электр энергетика	16 процент
Ёқилғи саноати	3 процент
Қора ва рангли металлургия	10 процент
Химия саноати	14 процент
Машинасозлик ва метални қайта ишлаш	10 процент
Ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати	7 процент
Бинокорлик материаллари саноати	4 процент
Енгил саноат	12 процент
Шу жумладан, пахта тозалаш саноати	43 процент
Озиқ-овқат саноати	8 процент

Шаҳар ва районларда маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиши ҳамда саноат ишлаб чиқариши ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари қуйидагича бўлди:

	Маҳсулот реализация қилиш ҳажми йиллик планининг бажарилиш процентн	1971 йил биринчи ярмида 1970 йил биринчи ярмига нисбатан процент ҳисобида: Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	Меҳнат унумдорлиги бўйича
Область бўйича:	103	110	107
Шаҳарлар:			
Тошкент	103	107	105
Олмалиқ	103	115	108
Ангрен	106	107	102
Бекобод	104	108	109
Чирчиқ	103	107	106
Янгийўл	103	118	118
Районлар:			
Оққўрғон	103	124	125
Бекобод	108	142	142
Бўстонлиқ	106	115	94
Бўка	117	153	137
Юқори Чирчиқ	93	110	111
Калинин	112	113	104
Оржоникидзе	105	123	123
Пскент	114	143	129
Ўрта Чирчиқ	93	114	98
Янгийўл	107	123	115

Энг муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш қандай бўлганини қуйидаги маълумотдан билиш мумкин.

	1971 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқарилди	1971 йилнинг биринчи ярмида 1970 йил биринчи ярмига нисбатан процент ҳисобида
Электр энергия—миллион киловатт-соат	6,4	117
Кўмир — минг тонна	1830,5	102
Кучланиш трансформаторлари—минг киловатт ампер	1534	111
Бронкабеллари—минг километр	7,8	105
Компрессорлар—дона	1291	106
Тракторлар—минг дона	9,9	94
Трактор прицеплари—минг дона	19,4	102
Трактор сеялкалари — дона	3479	91
Трактор культиваторлари—минг дона	10,2	104
Пахта териш машиналари—дона: физик бирликларда	3320	119

(Давоми 2-бетда).

ҚУВОНЧЛИ ЯКУНЛАР

(Бошн биринчи бетда).

икки қаторли қилиб ҳисоблаганда	5600	100
Кўсак чувиш машиналари—дона	1658	135
Электрлаштирилган кўприк кранлари, (маҳсуслари ҳам шу ҳисобига киради)дона	461	107
Экскаваторлар—дона	566	110
Цемент—минг тонна	1232,7	102
Пигма темир-бетон конструкциялари ва деталлари—минг куб метр	847,6	104
Қурилиш ишлти (колхозларда ишлаб чиқарилгани бунга кирмайди) миллион дона	328,3	98
Асбоцемент шифери —шартли миллион плитка	69,8	131
Дераза ойналари—минг квадрат метр	1273	100,5
Қоғоз—минг тонна	11,5	99,9
Мебель—миллион сўм	13,9	121
Рўзғор холодильниклари—минг дона	33,3	115
Газ плиталари—минг дона	62	115
Пахта толаси—минг тонна	82,1	123
Каноп толаси — минг тонна	12,7	116
Ип газлама—миллион квадрат метр	73,1	98
Пайпоқ маҳсулотлари—минг жуфт	20	111
Ички трикотаж—миллион дона	3,8	102
Устки трикотаж—миллион дона	2,7	117
Чарм пойафзал — миллион жуфт	4,6	88
Гўшт (давлат ресурслари хомашёсидан) минг тонна	14,3	116
Мол ёғи (давлат ресурслари хомашёсидан) тонна	56,7	149
Қуюқлаштирилган сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисобланганда (давлат ресурслари хомашёсидан) минг тонна	46,5	115
Ўсимлик мойи (давлат ресурслари хомашёсидан) минг тонна	23,4	132
Кондитер маҳсулотлари (минг тонна)	24,6	99,5
Консерваалар шартли миллион банка	12,9	126
Маданий-маиший ва хўжалик товарлари (миллион сўм)	18,2	115

Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 918,2 миллион киловатт-соат электр энергия, 1110 минг сўмлик химия жиҳозлари, 33,5 минг тонна кўмир, 431 дона кўрак чувиш машиналари, 431 дона трактор культиваторлари, 305 дона трактор прицеплари ва бошқа кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Саноатда ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш учун резервлардан ҳалп ҳам тўлиқ фойдаланилмоқда. Область саноат корхоналари асосий кўрсаткичлар бўйича план топшириқларини бажардилар. Ҳолда айрим корхоналар маҳсулотни реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, фойда олиш юзасидан белгиланган топшириқларни бажаролмай қолди. Бир қанча саноат объектларида ишлаб чиқаришнинг лойиҳада белгиланган даражасига, маҳсулот таннарҳи ва меҳнат унумдорлиги даражасига эришиш суст бораяпти.

Илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари ва саноат корхоналари халқ хўжалиги ҳамма тармоқларида фан-техника тараққиётининг энг муҳим проблемаларини ҳал этиш устидан ишларни давом эттирдилар.

Халқ хўжалигида техника тараққиётини жорий қилиш бевосита рационализатор ҳамда ихтирочиларнинг фаол иштироки асосида амалга оширилди.

II. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари сув тақчиллиги сабабли рўй берган қийинчиликларни енгиб, ўз зиммаларига олган топшириқ ҳамда социалистик мажбуриятни ошириб бажариш борасида қизғин меҳнат қилмоқдалар.

Колхоз ва совхозлар баҳорги дала ишларини уюшқоқлик билан ўтказдилар. Баҳорги экиндар экиш плани адо этилди. Областимизнинг барча районларида чигит экиш плани ошириб бажарилди, жами 142 минг гектар ерга барака уруғи қадалди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маккажўхори, сабзавот ҳамда озуқа экинлари экиш ҳажми анча кенгайтирилди. Қишлоқ хўжалик экинлари майдони барча категориядаги хўжаликларда 366,6 минг гектарни ташкил этди.

Айни кунларда ғўза ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари парваришн қизғинб юборилди.

Шунингдек, область колхоз ва совхозларида дон ва дуккакли ўсимликлар ҳосилини, сабзавот ва картошкани йиғиб-териб олиш қизғин давом этмоқда. Бундан ташқари, шу йилдан бошлаб область хўжаликлари озуқа тайёрлашнинг прогрессив усули — сенаж бостириш, витаминли кўкат уни тайёрлашни ўзлаштириб олдилар. Область чорвадорлари ҳам ўтган ярим йилликда сезиларли муваффақиятларни қўлга киритдилар.

1971 йилнинг биринчи ярмида колхоз ва совхоз меҳнаткашлари асосий чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни бирмунча кўпайтирдилар. Буни қуйидаги рақамлардан билса бўлади.

Йилнинг биринчи ярмида

	1970 йил	1971 йил	1971 йилда 1970 йилга нисбатан процент ҳисобида
Қорамол ва парранда — тонна	9899	10474	105,8
Сут — тонна	33487	38967	116,4
Тухум — минг дона	44032	46293	105,1
Жун — центнер	5314	5379	101,2

Ўтган ярим йилда ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут 15,8 процентга кўпайди, битта товуқдан тухум олиш ўрта ҳисобда 1,4 процентга ортди.

Область колхоз ва совхозлари давлатга қора мол ҳамда парранда топшириш ва сотиш ярим йиллик топширигини 109,2 процент, сут топшириш планини 109,3 процент, тухум топшириш планини 123 процент, жун топшириш планини 157,1 процент, пилла топшириш йиллик планини эса 113 процент қилиб бажарди.

Давлат ва колхозларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун сарфлаган капитал маблағлари 50,2 миллион сўмни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигининг модлий-техника базасини замонавий техника билан мустаҳкамлаш давом эттирилди. Қишлоқ хўжалигига турли маркадаги 810 трактор, 82 минта юк автомобили ва ихтисослаштирилган автомобиль, 81 та галла ўриш комбайни, 180 та пахта териш машинаси, 550 та культиватор, 275 та трактор сеялкалари ва бошқа машина ҳамда механизмлар етказиб берилди.

Бундан ташқари, областимиз хўжаликлари 340 минг тонна минерал ўғит олдилар.

III. ТРАНСПОРТ

Умумий фойдаланишдаги транспорт юк автомобиллари юк ташиш ярим йиллик планини 100,9 процент, юк обороти топширигини 99,2 процент қилиб бажарди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан юк ташиш ишлари 1,8 миллион тоннага ошди, юк обороти эса 21 миллион тонна-километрга кўпайди.

Пассажирлар ташиш плани 99,3 процентни ташкил этдики, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17 миллион кишига ортиқ демакдир. Пассажир обороти ярим йиллик планн эса бажарилмай қолди, бунда юк машиналари ҳамда автобус парклардан фойдаланишда суст-кашлинка йўл қўйилди.

IV. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШИ

Ўтган ярим йилликда халқ хўжалигининг барча тармоқларида капитал қурилиш янада ўсди. Давлат капитал маблағлар ҳисобига қимматп 214,8 миллион сўм бўлган асосий фондлар ишга туширилди.

Қурилишда қурилиш-монтаж ташкилотларини планлаштириш ҳамда иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системага кўчириш давом эттирилди. Ярим йилликда учта пудрат қурилиш трести, «Облколхозстрой» ҳамда «Чорвоқ ГЭСстрой» бошқармаси планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига мувофиқ иш олиб борди.

Областимиз ва Тошкент шаҳар халқ хўжалигининг турли тармоқларида янги-янги ишлаб чиқариш қувватлари ва объектлари ишга туширилди.

Чорвоқ ГЭСида 150 минг киловатт-қувватга эга бўлган иккинчи турбина ишга туширилди. Олмалиқда маиший химия заводи эксплуатацияга топширилди. Ангрен дарёси йўналишини ўзгартган тоннел ҳамда гидротехник ускуна иш бошлади. 30 минг тонна мармар кукуни ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги дастгоҳлар Ғазалкентдаги тошни қайта ишлаш комбинатида фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Тошкентда янги нон заводи маҳсулот бера бошлади.

Бундан ташқари, рангли металлургия корхоналарида, пахта тозалаш ҳамда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш саноатида ҳам янги-янги қувватлар эксплуатацияга топширилди.

Қишлоқ хўжалигида давлат маблағлари ва колхозларнинг маблағлари ҳисобига қора мол боқиладиган 460 ўринли, қўй боқиладиган 1900 ўринли, Тошкент ва Бўстонлиқ парранда фабрикаларида 25,6 минг ўринли ойлхона ва паррандахоналар фойдаланишга топширилди.

2725 гектар суғориладиган янги ерлар очилди. 3932 гектар ерда капитал планлаштириш ишлари олиб борилди, 4283 гектар майдондаги суғориладиган ерларнинг мелиорация ҳолати яхшиланди.

Фақат ярим йилнинг ўзида давлатнинг 284 миллион сўм капитал маблағи ўзлаштирилди.

Давлат пудрат ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарадиган пудрат ишлари ярим йиллик план топшириги 102 процент қилиб адо этилди.

Колхозлардаги мавжуд қурилиш ташкилотларининг бажарадиган иш ҳажми 6 процентга кўпайди.

Айрим трестлар бўйича пудрат ишлари плани қуйидагича бажарилди: (процент ҳисобида)

трестлар:	пудрат ишларининг йилий ҳажми бўйича	ўз кучи билан бажарилган иш ҳажми бўйича
«Алмаликсвинецстрой»	100	109
«Узбекшахтострой»	108	104
6-трест	102	88
16-трест	95	99
160-трест	98	110
23-қурилиш трести	111	115
«Ташобласельстрой»	102	103
«Ташкентводстрой»	112	114
«Ташмелководстрой»	110	106
«Главташкентстрой»	95	91

Шунинг билан бир қаторда қурилишда айрим камчиликлар мавжудки, пировардида қатор корхоналарда ишлаб чиқариш қувватлари, асосий фондлар ва капитал маблағларни ишга тушириш ярим йиллик планн охирига етказилмади.

Айрим қурилиш трестлари ва бошланғич пудрат қурилиш-монтаж ташкилотлари иш ҳажми, меҳнат унумдорлиги ва таннархни камайтириш юзасидан берилган планларни бажармади.

V. ХАЛҚ МОДДИЙ ФАРОВОНЛИГИ ВА МАДАНИЙ САВИЯСИНИ ОШИРИШ

Ўтган ярим йилликда меҳнаткашлар турмуш даражасини янада кўтариш, уларга маданий ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди.

Халқ хўжалигидаги ишчи-хизматчиларнинг сони Тошкент области ва Тошкент шаҳрида (колхозлардан ташқари) ярим йил мобайнида, дастлабки маълумотларга қараганда, 982,3 минг кишини ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,9 процент кўпайди.

КПСС XXIV съездининг бешйиллик план ҳақидаги Директиваларини бажариш юзасидан ишчи ва хизматчилар иш ҳақининг минимал миқдорини ойига 70 сўмгача кўтариш тадбирлари кўрила бошланди. Айни вақтда ходимларнинг ўртача ҳақ оладнган категориялари ставкалари ва окладлари ҳам оширилмоқда. Жумладан, совхозлар тракторчи-машинистлари, шунингдек қишлоқ, сув, ўрмон хўжалиги, «Сельхозтехника» ва бошқа давлат муассасалари ишчи-хизматчиларининг оладиган маошлари кўпайтирилмоқда.

Ишчи-хизматчиларнинг пул бараварида оладиган ўртача ойлик иш ҳақи дастлабки маълумотларга қараганда 1,7 процентга ошди ва 122,8 сўмни ташкил этди Колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,7 процент қўпайди.

Ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан аҳолига бериладиган пул ва имтиёзлар ҳам бурмунча ошди. Мана шу маблағлар ҳисобига аҳолига белул ўқиш, белул медицина ёрдам кўрсатиш, пенсия ва нафақалар ҳамда социал таъминот бўйича бошқа ҳаражатлар, стипендияларни тўлаш, санаторийлар ва дам олиш уйларига белул имтиёзли шартлар билан йўлланмалар бериш, мактабгача болалар муассасаларини таъминлаш, отпускалар ҳақини тўлаш ва социал-маданий хизматнинг бошқа турлари амалга оширилди.

КПСС XXIV съездининг қарорлари асосида пенсия таъминотини янада яхшилаш мақсадида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига биноан 1971 йилнинг 1 июлидан бошлаб ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларга бериладиган пенсияларнинг минимал миқдори оширилди: шунингдек колхозчиларнинг пенсия таъминотини янада яхшилаш чоралари ҳам кўзда тутилди.

Аҳолининг омонат кассаларга қўйган жамғармалари 1971 йил 1 июля қадар қарийб 452,1 миллион сўмни, омонатчилар сони эса 705,9 минг кишини ташкил этди.

Шу йилнинг биринчи ярмида давлат ва кооператив савдоси ташкилотлари аҳолига 868,7 миллион сўмлик товар маҳсулотлари сотди. Товар обороти қиёсий нархларда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,7 процентга кўпайди. Чакана товар обороти плани 100,8 процент, шу жумладан Тошкент шаҳри бўйича эса 100,9 процентга бажарилди.

Биринчи ярим йилликда матлубот кооперацияси орқали маҳаллий бозорлар нархида 5726 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди.

Кенг халқ истеъмол товарлари ва маданий-маиший маҳсулотлар сотиш ҳам кўпайди. Шунинг билан бирликда аҳолининг айрим маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилгани йўқ.

Давлат капитал маблағлари, жамоатчилик ташкилотлари ҳамда уй-жой қурилиши кооперацияси маблағлари ҳисобига жами саҳни 448,2 минг квадрат метр бўлган турар-жойлар эксплуатацияга топширилди.

Бундан ташқари, колхозлар ва аҳоли ўз маблағлари ҳисобига ҳамда кредит ёрдами билан жуда кўп уй қуриб олди.

Шунингдек, ўтган олти ой мобайнида янги-янги умумтаълим мактаблари, мактабгача болалар муассасалари, касалхона, поликлиника ва бошқа маданий-маиший объектлар ишга туширилди.


Лекин шунга қарамай, турар-жой ва маданий-маиший объектлар қурилиши ярим йиллик планн бажарилмай қолди.

Область бўйича аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ярим йиллик плани 101,1 процент, шу жумладан шаҳарларда 103,7 процент ҳамда қишлоқ жойларда 93 процент қилиб адо этилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлари ҳажми 12,1 процентга, қишлоқ жойларида эса 14, 8 процентга кўпайди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тармоғи 60 хилдан ортиқ кўпайди. Шундай бўлса ҳам аҳолига маиший хизмат кўрсатиш юзасидан белгиланган план бирмунча бажарилмай қолди, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда амалга оширилган бундай тадбирлар ҳали ҳам ўсиб бораётган талабни қондиролмайди. Айниқса қишлоқ жойларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳамон талабга жавоб бермайди.

Ярим йилликда шаҳарларни, шаҳар посёлкалари ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишлари давом эттирилди, турар-жой бинолари ҳамда коммунал маиший хизмат кўрсатиш муассасаларини газлаштириш давом эттирилди. Фақат ярим йил ичида хонадонларни газлаштириш 4, 9 процентга ошди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қўшимча 19,7 минг квартира газлаштирилди. Халқ маорифини ривожлантиришда, фан ва маданиятни юксак погонага кўтаришда сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Таълимнинг турли соҳаларига 876 минг киши жалб этилди. Бу 1970 йилга нисбатан 24 минг кишига кўп демакдир. Умумтаълим мактабларига эса 683,9 минг ўқувчи жалб этилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 20,5 минг кўпдир. 1971 йилда умумтаълим мактабларини 39 мингга яқин йигит ва қизлар тамомлаб, етуклик аттестати олдилар. Улардан 8 мингни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки мактабларда ўқиб, ўрта маълумотли бўлдилар, 59 мингга яқин ёшлар саккиз йиллик маълумотга эга бўлдилар.

1971 йилда олий ва ўрта махсус билим юртларига 34,5 минг киши битирибб, улардан 14 мингга яқини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, олий ва ўрта маълумотли мутахассислар бўлдилар. Областимизда киноустановкалар ҳамда оммавий кутубхоналар тармоғи ҳам кенгайди.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш яхшиланди. Касалхона, диспансер, аёллар ва болалар консультацияси, санитария профилактика муассасалари тармоғи кенгайди, врач ҳамда ўрта медицина персоналлари сони кўпайди.



АЙБЕР ЗЕДЛАЕВ «Чирчиқ химмаш» заводининг 1-механика цехида бир неча йилдан буён самарали меҳнат қилиб келмоқда. Илғор фрезерчи смена нормасини 130-140 процентдан адо этиб ҳамкасбларига ўрнак бўлаяпти. Суратда: А. Зедлаев.

ҚАҲРАМОН УЧАСТКАСИДА

Ҳамроҳимиз завод маҳаллий комитети раиси Николай Михайлович Колодин билан темир пиллапоялардан иккинчи қаватга кўтарилдик. Печлардаги юксак ҳарорат ёзнинг иссиқ шабадасига қўшилиб бир зумдаёқ пешонада маржон терлар пайдо қилди.

Қора кўзойнак тақиб, оғизбурунларини оқ дока билан беркитиб олган мис эритувчилар ҳаракати эътиборимизни ўзига тортди.

— Булар ака-ука Владимир ва Василий Мазурлар. Ана у йигит эса Виктор Щербаков бўлади. Эски таниш Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Георгий Дождиков томон ошиқаётганимизни ҳамроҳимиз сезди шекилли бизни қаҳрамон меҳнат қилаётган участка томон бошлади.

Чап томондаги улкан печлардан мис оқими биринчи қаватдаги 20 тонналик дашном қозонларга оқиб тушяпти.

Баланд бўйли, чўзинчоқ юз, ўрта ясар Георгий билан биринчи бор учрашганимизда унга юксак унвон — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони номи берилганди. Мана яна моҳир мис эритувчи участкасидамиз.

Георгий Иванович печдаги эриётган мисга назар ташлади, ҳароратни оширди. Ҳали меёрига етишига бироз бор. Тажрибали эритувчининг кўзи пишиб қолган. Юзидаги маржон терларни артиб ҳамкасби Борис Тюменцевга бокди. Ишора билан ундан «нечанчиси» деб сўради. У бармоқларн билан «4» рақамни кўрсатди. Тажрибали эритувчи печдан уфураётган юксак ҳароратга писанд қилмай бешинчисини тарновдан оқизишга ҳозирлик кўрарди.

— Заводимиз фахри, — деди ҳамроҳимиз.— Ҳар қанча мақтаса арзийди. Смена топшириқларини ошириб бажаради, меҳрибон устоз, ҳамкасбларига ҳамиша ўрнак бўлиб келяпти, уйда эса ғамхўр оила бошлиғи, — таърифлади Георгийни.

— Меҳнати ҳақида, цех кўрсаткичлари тўғрисида гапиринг.

— Бу ҳақда яхшиси қаҳрамоннинг ўзидан сўранг. Георгий Иванович ўзи ҳақида гап очилганда жуда кам сўзлади. Сменада белгилангандан кўра кўпроқ мис эритаётганини, бошқалар қатори тўққизинчи беш йиллик планини муддатидан олдин бажариш учун аҳд қилганини айтди. Ҳамкасблари тўғрисида эса гурурланиб гапирди. Мис эритувчилар Борис Кашаев, Николай Новиков, Владимир Синин, Михаил Давиденко, Владимир Шурчков ва бошқа ҳамкасблари меҳнатини улуғлаб ёзишни илтимос қилди.

— Биласизми, бизнинг заводда яна бир меҳнат қаҳрамони ишлайди. Николай Мустафевич Ахмаджонов. Жуда тажрибали мис эритувчи. Кўпчилигимиз ундан ўрнак оламиз. Ҳар қанча мақтаса арзийди. Шулар ҳақида ёзинг.

Биз Георгий Ивановичга Дождиковга бу ишлаб чиқариш илғорлари ҳақида ҳам батафсил ёзишга вақда бериб, цехни айландик.

«Тўққизинчи беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз» «Иш минутининн қадрига ет!» «Ватанга кўпроқ мис етказиб берамиз» шиорлари кўзга ташланади. Пастда биринчи қаватда металлургия цехи коллективининг кўрсаткичлари...

Корхонада илғорлар сафи тобора кенгайиб боряпти. Мис эритувчиларнинг деярлик ҳаммаси графикдан ўзғи ҳолда ишламоқда. Меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқариш тобора ортмоқда.

Ленин номли Олмалиқ тог металлургия комбинати мис эритиш заводи коллективи социалистик мусобақани кўчайтириб, янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Ярим йиллик план муддатидан барвақт 107 процент қилиб адо этилди. Она Ватанга қўшимча юзлаб тонна ғўлаланган мис топширилди.

Бу ютуқларни қўлга киритишда меҳнат қаҳрамони Георгий Дождиков участкаси аъзоларининг ҳам муносиб улуши бор.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ҚИШЛОҚНИНГ БУЮРТМАСИ

Тошкент пластмасса буюмлари заводи чорвачилик биноларини ситишда фойдаланиладиган калориферлар учун электр шчитларининг янги вусҳаларини ишлаб чиқаришга киришди. Бу маҳсулотнинг дастлабки туркуми буюртмачиларга юборилди.

Янги аппаратларни тайёрлаш заводда коммунистик меҳнат коллективи номини олган электр йигув цехига топширилди. Шу маҳсулотни ишлаб чиқаришни биринчи бўлиб ўзлаштириб олган А. Галкин ва В. Чагин бошлиқ слесарлар ва монтажчиларнинг илғор бригадалари топшириқни кун сайин ошириб бажармоқда.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг буюртмасига биноан бу йил завод ўн мингта электр шчитлар ишлаб чиқаради.

(ЎзТАГ).



Суратда: «Таштекстильмаш» заводининг пешқадам шчиларидан Олим Солиевни кўриб турибсиз. У заводда 20 йилдан буён ишлаб, доимо аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

А. Тўраев фотолари.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ТАРҒИБОТНИНГ ЮКСАК

Ҳозирги шароитда идеология ишлари янгича аҳамият касб этмоқда. Янги авлод кишисини шакллантириш ва тарбиялаш унда меҳнатга, яшашга, иктимоий ҳаётга коммунистик муносабатларни барқарор қилдириш, шу йўл билан коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш идеология ходимларининг ҳамиша диққат-эътиборида турибди.

Партиямиз XXIV съездининг идеология масалалари бўйича кўрсатмалари партия ташкилотлари бутун фаолияти учун асосий қўлланмадир. Бинобарин, партия ташкилотлари, барча идеология муассасалари сиёсий-партиявий ишларида муҳим проблемаларни қунт билан ўрганишлари, амалий тажрибаларни чуқур таҳлил қилган ҳолда бундан кейинги ишларнинг юқори савияси ва таъсирчанлигини оширишнинг аниқ йўл-йўриқларини белгилаб олишлари лозим.

Партиянинг негизи бўлган бошланғич партия ташкилотлари ҳозир ўз фаолиятларини Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети II пленуми қарорлари асосида қайта қурмоқдалар, кўп қиррали вазифаларини аниқ белгилаб олмоқдалар.

Тараққиётнинг янги уфқларини очиб берган КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ этиш, ҳар бир меҳнаткаш онгига сингдириш, бу билан кишиларнинг куч-ғайратини, ижодий ташаббусларини тўққизинчи беш йилликнинг улуғвор режаларини муддатидан олдин бажаришга сафарбар этиш идеология ишларининг бош вазифаси бўлиб турибди.

Калинин район партия комитети, қўпгина бошланғич партия ташкилотлари бу вазифани тўғри тушунган, ундан келиб чиқадиган масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда идеология ишларига бўлган муносабатни анча ўзгартирмоқдалар. Бу соҳадаги камчилик-нуқсонларга танқидий нуқтаи назардан ёндошиб, уларни бартараф этиш тадбирларини белгиламоқдалар.

Аввало шуни айтиш керакки, райком аппарати бошланғич партия ташкилотлари олдига идеология ишларининг самарадорлиги учун изчил курашиш вазифасини қўйди. Меҳнатга онгли, коммунистик муносабат, коммунистик аҳлоқ нормаларига амал қилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кураш янгича анъаналарни турмушга кенг сингдириш, белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни муддатидан олдин бажаришга эришиш районда олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларнинг асосий мезони, деб белгиланди. Дарҳақиқат, идеология ишларида ана шундай муайян мақсадлар кўзда тутилмас экан, тарғибот-ташвиқотнинг самараси сезилмайди.

Съезд қарорларини тарғиб қилишдан олдин райком пухта тадбир ишлаб чиқди. Ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир хўжаликнинг шароитлари, имкониятлари аниқ ҳисобга олинди. Шундан сўнг ишга киришилди. 700 га яқин сиёсий ахборотчи, 1400 дан ортиқ сиёсий ташкилотчи ва 700 агитатор съезд материалларини пропаганда қилишга сафарбар этилди. Хонадонларда иш олиб борадиган сиёсий ташкилотчилар иши устидан алоҳида назорат ўрнатилди.

Партия ва комсомол маорифи шохобчаларида ўқимайдиган кишиларни халқ сиёсий мактабларига жалб қилишга киришилди. Маҳсус план ва программа асосида ҳафтанинг ҳар душанба куни барча далачилик бригадаларида, чорвачилик фермаларида ва идора ходимлари ўртасида XXIV съезд материаллари бўйича мунтазам суҳбатлар ўтказиб турилмоқда.

Пропагандист, сиёсий ташкилотчи ва сиёсий ахборотчилар танлашда уларнинг билим даражаси, қобилияти, амалий тажрибаси, коллектив ўртасидаги мавқе-эътибори, фикрий доираси алоҳида ҳисобга олинди. Съезд қарорларини тарғиб қилишда бошланғич ташкилотлар олдига партия режаларини амалга ошириш юзасидан у ёки бу хўжаликни ривожлантиришга доир йирик масалаларни ҳал этишнинг тадбирларини белгилаш, тўққизинчи беш йиллик план-топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун ишлаб чиқаришни юксалтириш, янги-янги резервларни қидириб топишга эришиш вазифаси қўйилди.

Қатор бошланғич партия ташкилотлари съезд қарорларини, янги беш йиллик Директиваларини маҳаллий шароит билан боғлаб пухта ишлаб чиқдилар. Шу ўринда «Ленин йўли» колхози партия ташкилоти тажрибаси ибратлидир. Съезд материалларининг муҳокамаси давомида хўжаликда сабзавот, мевачилик ва чорва маҳсулотларини кўпайтириш масаласи чуқур таҳлил қилинди, ички имкониятлар, қўшимча резервлар ҳисобга олинди. Натижада беш йилликни гўрт йилда бажариш мумкин, деган қарорга келиндн. Хўжалик меҳнаткашлари ана шундай ташаббусни ўртага ташладилар.

Бу ташаббус область партия комитети томонидан маъқулланган, райком райондаги барча бошланғич партия ташкилотларига ҳар бир колхоз ва совхозда шу қарорни ишлаб чиқиш вазифасини юклади. Оқибатда «Ленин йўли» издошлари пайдо бўлди. Кўпгина хўжаликлар янги марраларни белгиладилар. «Қорасув» совхози чорвадорлари эса беш йиллик планни тўрт йилда бажариш юзасидан юксак социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Район партия комитети меҳнаткашларга маданий-маиший хизматни яхшилаш, дала шийпонларини чинакам дам оладиган, оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказиладиган маданият ўчоғига айлантириш масалаларига эътиборни анча кучайтирди. Дала шийпонла-

ШИФОБАХШ ҚЎЛЛАР

ЛАВҲА

У коридорда юрганда ҳам шахдам қадамидан, босиқ оҳангда гапиришидан беморлар дарров танишади.

— Ана, Мўмин Ҳожибоевич келяптилар,— деб кўзлари эшикда бўлади.

Бу кўзлар шифокор ахли заковатидан, дардга даво истаб тикилган умидвор кўзлар...

Ҳадемай беморлар кутгандай эшик очилади-ю, палатага барваста, қизил мағиздан келган, ўрта ёшлардаги доктор кириб келади. У одати бўйича аввал оғир бемор ёнига ўтади:

— Аҳвол қалай, укол олдингизми? — У бир пайтнинг ўзида ҳам ҳол сўрайди, қулоғи жавоб тинглайди, қўллари бўлса оёқдаги шишни текшириб кўради:

— Анча дуруст, кечагидан шиши қайтибди,— умидвор кўзлари термулиб турган беморга меҳрибон боқиб, тасалли беради,—Ҳадемай ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз. Бу оёқлар билан ҳали рақсга ҳам тушасиз,— унинг бу сўзларидан палатадагилар хурсанданиб кулишади, енгил тортишади.

Мана ҳозир у эрталабки беш минутлик йиғилишга ошиқаркан, одати бўйича оғир беморидан кўнгли тинчимай, бир дақиқага палатага кирганди. У кўнгли хотиржам чиқиб кетиши билан палатадан илиқ, самимий миннатдорчилик сўзлари эшитилди:

— Барака топсин!

Кечки пайт. Коридорнинг бу тарафидаги кичикроқ бир кабинетда оқ халатли доктор ҳалиги беморнинг касаллик тарихи билан танишаяпти.

— Ўлмас Сулаймонова — оҳангаронлик. Қирқ етти ёшда. Беш боласи бор. Ўн тўрт йилдан буён хасталик азобини чекади. Аввалига кичик бўқоқ ўсиб, юракка, қон томирларига асорат берган. Врачларга мурожаат қилган. Аммо вактида кесиб ташлашга бемор рози бўлмаган. Борабора оёқлар шиша бошлаган. Юргизмай қўйган. Қўлтиқтаёқ тутишга тўғри келган. Энди даволаш анча мураккаб....

Бундай ҳодиса камдан-кам бўлади. Буни беморнинг ўзи ҳам билади, касалини ўтказиб юборганидан афсус чекади. Ёки энди операцияга кўниб тақдирга тан бермоқ ёки умрбод қўлтиқтаёқда юрмоқ, томоқ остида салкам бир килограмм безни кўтариб юриш?! Бир ёқда нафас ҳам қисадиган бўлиб қолган...

Жаррох Мўминжон касаллик варақасини синчиклаб ўқигач, анализ билан танишади, рентген суратни қайта-қайта кўздан кечиради. Бармоғи билан нималарнидир санаб «Кейинги ҳафтанинг жума кунига» деган сўзларни ёзиб қўяди....

...Ўлмасхонни операция хонасидан тунда келтиришди. Томоғи бинт билан ўралган, боши хиёл пастга эгилган Кўзлари атрофга жовдираб боқади гўё ҳаммаёқни энди кўраётгандай, ҳали гапириш мумкин эмаслигидан кўнглидаги гапларни кўзлари айтиб турарди. «Қутулдимми-а? Ростдан ҳам операциядан омон чиқдимми-а» деяётгандай ҳаяжонда эди. У билан кетма-кет операция хонасидан доктор ҳам чиқиб келди. У чаккаларидан тизилиб оқаётган мунчоқ-мунчоқ терни пайкамас эди ҳам. Икки кўзи беморида, томирини ушлар, гапиртирмаслик учун ўзи сўзларди.

— Қутулиб олдингиз. Ўзи ҳам 800 грамм экан, энди ҳаммаси жойида бўлади. Қўзғолманг, гапирманг ҳам, — унинг операция-муваффақиятидан хурсандлиги сезилиб турарди. Ахир у уч соатга яқин қўлида жаррох наштари билан томир отиб, катталашиб кетган бўқоқни томоқдаги қон томирлари, овоз пардаси, бироз қалтис жойига зарар етказмай, ниҳоятда эпчиллик билан кесиб олиш учун курашди. Эҳҳе, шу уч соат ичида не-не фикрлар унинг кўнглидан кечмади, дейсиз! Йўқ, шифокор бутун шубҳаларни дилидан ҳайдай олди, ундаги дадиллик, кашоч, моҳирлик устун чиқди.

У палатадан чиқиб, яна ўша дадил юриши билан кабинети томон борарди. Ҳамшира, беморлар унга эҳтиром билан қараб:

— Ҳорманг, доктор,— деб кўйишарди.

У шу куни яна икки беморни операция қилиши керак. Ҳозир «тайёр» деб хабар беришлари билан дарров боради...

Орадан ўттиз беш кун ўтди. Ўлмас опа палатада уйидан келтирилган ўз кийимларини киярди-ю, юзидан юмалаб тушаётган қувонч ёшларини тия олмасди. Бурчакдаги шкафда турган қўлтиқтаёқларни дераздан улоктириб юборгиси келарди:

— Олағинангиз ўргилсин, Мўминжон, шулардан мени халос қилдингиз, умрингиздан барака топинг,— у ўзича гапирар, хеласкорига қалб бисотидаги қайноқ сўзларини айтиб тугатолмасди.

Мўминжон Ўлмас опага кўп нарсаларни тайинлаб ҳайрлашди-да, яна бошқа палатада ётган, куни-кеча операция қилган бемори ёнига ошикди. Унинг иши шундай: касаллик сафдан чиқарай, деб қўйган кишиларни қайтадан оёққа турғизиб, яна ҳаётга йўллайди.

Оқшом. Мўминжон хизматдан қайтади. У ишлайдиган 16-шахар клиник касалхонаси билан қишлоғигача асфальт йўл тушган. Ҳар куни бу масофани босиб ўтар экан, ҳаёлидан нималар кечмайди, дейсиз. Шаҳардан чиқиб она қишлоғи Тирсакка қайтиши, катта сувдан ўтиши билан бенихтиёр ёшлигини эслайди. Ёшлик чоғлари шу шўхоқар сувдай ўтди. У зотилжам бўлиб оғриб қолганини эслайди. Қишлоқда фельдшер ишларди. Уша фельдшер бир куни «Қариб қолдим, ўринбосарлар керак», деганди Мўминнинг отаси Ҳоживой ака билан гаплашиб ўтириб. Бу гап бемор ётган Мўминжонга қаттиқ таъсир қилганди. «Доктор бўламан, албатта ўқийман» деб юрагига тугиб қўйганди. У ўша йили 10-синфни тугатди-ю, ТошМИга ўқишга кирди...

Йиллар ўтди. ўқишни «аъло» тугаллаган Мўминни дўстлари билан Германия демократик республикасига ишга юборишди. Етти йил самбатда жарроҳлик қилди. Ўз юртига қайтгач, илмий иш олиб боришга бел боғлади. Профессор Содиқ Алимович Мақсудов унинг устози бўлди. Медицина фанлари кандидати унвонини олишда ҳам катта мадад берди.


Ҳозир Мўминжон Ҳожибоев докторлик диссертацияси — жигар, ўт қопчаси касалликларини даволаш устида иш олиб бораяпти. У шу хусусда республикамиздаги областларда бўлиб, бу касаллик билан оғриган беморларни рўйхатга олиб чиқди, баъзиларини клиникага чақириб, даволамоқда. Шу билан бирга ўзи доцентлик қилаётган иккинчи хирургия бўлимида кўпгина оғир операцияларни моҳирлик билан бошқаряпти.

Мўминжоннинг дадаси Ҳоживой ота бўлса бутун умрини саҳоватли ишга бағишлаган асл деҳқон. Ҳозир ҳамқишлоқлари уни асл шифокор ўғил ўстирган ота сифатида ҳам ҳурмат қилишади. Ахир, тирсакликларнинг каттадан-кичиги қай пайт бўлмасин, Мўминжонга мурожаат қилишса, у шифобахш қўлларини ёрдамга чўзишга тайёр.

Мана, йигирма икки йил — бир йигит умри давомида у врач бўлиб ишлаб келяпти. Эл раҳмати унга ҳамиша йўлдош бўлсин!

Ф. УСМОНОВА.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



ЗЕЛЕНОГРАД шаҳридаги «Зеленоградстрой» трестида муҳим тадқиқот олиб борилмоқда. Кўп қаватли турар-жой бинолари қурилиши комплекслаштирган бригадаларга топширилмоқда. Ана шундай бригадалардан бирини Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобин бошқаряпти. Ишнинг комплекс бригадалар усулида олиб борилиши ҳар бир уй қурилишидан 40 минг сўм иқтисод қилиш имконини беряпти. Суратда: (чапдан ўнгга) илғор бригада аъзоларидан бригадир ўринбосари Н. Афонин, пайвандчи М. Касьян, монтажчилардан С. Филиппов ва А. Шишов ўртоқларини кўриб турибсиз.

А. СТУЖИН фотоси, ТАСС фотохроникаси.



ЧЕЛЯБИНСК ОБЛАСТИ. Миасс шаҳридаги автомобиль заводида «Урал» вездеходлари кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Улар Шимол ва Ўрта Осиёдаги газ магистраллар қурилишида жуда қўл келмоқда. Суратда: «Урал» вездеходлари завод жўнатиш майдончасида.

Б. КЛИПИЦЕР фотоси.

КРАСНОЯРСК ЎЛКАСИ. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик П. П. Лукьяненко яратган кузги буғдой уруғининг янги нави деҳқонларга жуда мос келди.

Суратда: (чапдан ўнгга) «Кубань» колхозининг бригада бошлиғи М. И. Клепиков, Усть-Лабин район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Г. И. Лисих, колхоз раиси И. Т. Сидоренко ва академик П. П. Лукьяненко ўртоқлар «Кавказ» навли буғдойни кўздан кечирмоқдалар.

Е. ШУЛЕПОВ фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЕРДАМ КЕНГАШИНИНГ XXV СЕССИЯСИДА

БУХАРЕСТ, 29 июль. (ТАСС). Кеча Бухарестда Руминия Социалистик Республикаси делегациясининг бошлиги, Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Совети раиси И. Г. Маурер раислигида ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг XXV сессияси ўз ишини давом эттирди.

Ялпи мажлис бошланган чоқда Руминия Соцсалистик Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши ижроия комитетининг раиси Г. Рэдулеску сессиянинг иккинчи кунида муҳокамага тақдим этилган материаллар тўғрисида аҳборот берди.

Материалларни муҳокама қилиш вақтида сессияда қатнашувчи делегацияларнинг бошлиқлари — Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ц. Тодоров, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Е. Фок, Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг раиси В. Штоф, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раиси вазифасини ижро этувчи С. Лувсан, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси П. Ярошевич, Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Раиси И. Г. Маурер, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал, Югославия Социалистик Федератив Республикаси иттифоқ ижроия вечаси раиси ўринбосари А. Грличков сўзга чиқдилар.

Мажлисда ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг секретари Н. В. Фадеев ҳам нутқ сўзлади.

Шундан кейин Г. Рэдулеску раислигида сессия ҳужжатларни лойиҳаларини ишлаб чиқувчи таҳрир комиссиясининг мажлиси бўлди.

ОЙГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

НЬЮ-ЙОРК, 28 июль. (ТАСС). «Аполлон—15» кемасининг ойга тушган космонавтлар Д. Скотт, А. Уорден ва Ж. Ирвин Ой сари парвозни давом эттирмоқдалар.

Москва вақти билан соат 10.35 минутга қадар космик кема ердан 274.030 километр узоқлашди. Кеча кечқурун планга мувофиқ кема траекторияси тўғрилаб қўйилди. Бу двигатель системасининг созлигини тасдиқлади.

Хюстондаги (Техас штати) космик марказдан берилган хабарларга қараганда, «Аполлон—15» кемасининг экипаж аъзолари нормал аҳволда.

АГРЕССОР БИЛАН МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРИШ УЧУН

ВАШИНГТОН, 28 июль. (ТАСС). АҚШ давлат секретарининг ёрдамчиси Жозеф Сиско яна Тель-Авивга жўнаб кетди.

Матбуот америка дипломатининг бу сафарини шарҳлаб ёзадики, унинг визитидан кузатилган асосий мақсадларнинг бири замонавий қурол-яроғларни яна Исроилга етказиб бериш масаласини муҳокама қилишдан иборат. Бунда гап, жумладан, Американинг «Фантом» самолётларини Исроилга етказиб бериш тўғрисида бораётир. «Нью-Йорк таймс» газетасининг бугунги сонида «Исроилнинг Вашингтондаги дипломатлари Сиско Тель-Авивга жўнаб кетишидан илгариёқ «Фантом» самолётларини етказиб бериш масаласини ижобий тарзда ҳал этишга уринган эдилар», деб таъкидлайди.

АҚШ конгрессида Исроилга тарафдор бўлган доиралар шу кунларда ўз фаолиятини кучайтирдилар.

Масалан, Тель-Авив билан боғланган алоқалари орқали ном чиқарган сенатор Г. Жексон қуйидагиларни айтди: «Америка қурол-яроғларини Исроилга етказиб бераверишни Яқин Шарқда стабилликни сақлашнинг бирдан-бир гаровидир». Жексон исроиллик агрессорларнинг бошқа ҳимоячилари билан биргаликда Америка самолётларни Исроилга дарҳол етказиб берилишини талаб қилди.

Бир қанча обзорчиларнинг фикрича, Сисконинг Тел-Авивга навбатдаги сафари дипломатия йўли билан қилинган найрангдир. Бу найранг Яқин Шарқ проблемасини тинч ҳал этишни пайсалга солиш, босиб олинган араб территорияларини Исроил ихтиёрида қолдириш мақсадини кўзда тутади.

СУДАНДАГИ РЕПРЕССИЯЛАР ТУХТАТИЛСИН

ПРАГА

«Руде право» газетаси бугун бундай деб ёзади: Судандаги аҳвол Суданда ва ундан ташқаридаги антикоммунистик кучлар ўтган ҳафтада Хартумда рўй берган воқеалардан мамлакатдаги барча демократик кучларни ва дастлаввал уларнинг авангарди — Судан компартиясини йўқ қилиш учун фойдаланиб қолишни хоҳлаётганликларидан далолат беради.

Газета давом этиб, бундай деб ёзади: таассуф қилишга арзийдиган ана шу ҳаракатларнинг кетида чет эл империалистик кучлари томонидан бўлаётган муайян тазйиқни кўрмаслик мумкин эмас. Улар Судан воқеаларидан фойдаланиб араб мамлакатлари халқларининг бирлиги учун, ижтимоий тараққиёт, озодлик ва мустақиллик учун, янги мустамлакачиликка ва империализмга қарши бўлган курашни заифлаштиришга уриниш учун баҳона топдилар, деб ёзади газета.

БЕРЛИН

Германия Демократик Республикасининг касаба союзлари судан ишчи касаба союзлари федерациясининг бош секретари қатл этилганлиги тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу ва зўр газаб-нафрат ҳис-туйғулари билан қутиб олди, дейилади бу ерда эълон қилинган озод немис касаба союзлари бирлашмаси правлениесининг баёнотида.

Баёнотда Шафий Аҳмад аш-Шайх атоқли касаба союз раҳбари бўлганлиги таъкидлаб ўтилади. У Судан ишчилари манфаатларини, ўз халқининг миллий ва ижтимоий озодлик учун кураш манфаатларини ҳормай-толмай ҳимоя қилиб келган эди.

Унинг қатл этилиши Суданда касаба союз ҳаракатига зарба етказишга ва араб халқлари бирлигини империализм ва сионизм агрессияси олдида заифлаштиришга ҳамиша интилиб келган кучларгагина фойдалидир.

БАЙРУТ

Ливан, Сурия, Ироқ ва Иордания коммунистик партиялари коммунистларни ва мамлакатдаги бошқа прогрессив ҳамда демократик кучларни Судан маъмурлари таъқиб этишига қарши қатъий норозилик билдирдилар.

Тўрт араб мамлакати коммунистик партияларининг бугун бу ерда эълон қилинган қўшма баёнотида бундай дейиладн: Судан маъмурлари ваҳшиёна террор, оммавий репрессия ва ўлдириш кампаниясини бошлаб юбордилар. Судан халқининг энг яхши фарзандлари бунинг қурбони бўлди. Империалистик ва реакцион доиралар, деб таъкидлаб ўтилади баёнотда, Судан раҳбарларининг ана шу ҳаракатларини хурсандчилик билан маъқуллаяптилар. Ана шу доиралар араб мамлакатларида миллий озодлик ҳаракатини тугатишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

ХЕЛЬСИНКИ

Жаҳон тинчлик кенгаши ҳеч қандай айби йўқ кишилар Суданда қатл қилинаётганлигига ва оммавий тусда таъқиб остига олинаётганлигига қарши кескин, норозилик изҳор этди. Жаҳон тинчлик кенгаши репрессиялар дарҳол тўхтатилишини қатъий талаб этмоқда.

Хартумдаги маъмурларга жаҳон тинчлик кенгаши йўллаган телеграммада бундай дейилади: ҳозир Суданда содир бўлаётган воқеалар Судан миллатининг ўзигагина зарба етказиб қолмасдан, балки антиимпериалистик фронт бирлигини ҳам жиддий заифлаштиради.

Жаҳон тинчлик кенгаши Судандан олинаётган хабарлардан, жаҳон тинчлик кенгашининг аъзоси Шафий Аҳмад аш-Шайх қатл этилганлигидан ва тараққийпарвар, ватанпарвар, демократик кучлар таъқиб остига олинганлигидан жиддий ташвиш тортмоқда.

Бу фожиали воқеалар бутун ер юзидаги тинчликсевар кучларни қаттиқ ларзага солди.



ЖАЗОИР ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Совет Иттифоқидан келган мутахассислар 80 дан ортиқ саноат корхоналари қурилишида қатнашмоқдалар. Суратда: Константиндаги улкан шифохона. Бу ерда кўплаб совет врач ва хамширалари хизмат қилишмоқда.

В. СОЗИНОВ фотоси. (ТАСС).

САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

рининг аҳволи бюро йиғилишида махсус муҳокама этилди. 200-га яқин дала шийпони қайта ремонт қилинди. 20 дан ортиқ шийпон янгидан қурилди.

Турмуш маданиятини юксалтириш, маданий-оқартув муассасаларининг фаолиятини яхшилаш, колхозчи ва совхоз ишчиларининг маданий дам олишларини ташкил этишнинг хилма-хил воситаларидан фойдаланиш яхши натижалар беряпти. Сиёсий ташкилотчилар хонадонларда суҳбат ўтказиш билан бирга, оилаларнинг турмуш маданияти, эҳтиёжлари билан астойдил қизиқаларган бўлиб қолдилар. У ёки бу оила турмуш шароитига доир муҳимроқ масалаларни дарҳол райкомга маълум қиладилар, бамаслаҳат бир фикрга келинади. Турли оилавий, оммавий ва савол-жавоб кечаларида, лекция-суҳбатлар, олимлар ва санъаткорлар, ёзувчи-шоирлар билан учрашувлар ўтказиш доимий анъанага айланиб бораётганлиги, коллектив равишда пойтахт театрларидаги спектакллар томоша қилинаётганлиги меҳнат аҳлининг руҳи, кайфиятини кўтаряпти, уларда маданий яшашга бўлган интилишни янада кучайтиряпти.

Райкомнинг идеология ишларини жонлантиришга бағишланган планли тадбирларидан бири яқинда бўлиб ўтган пленумдир. Пленумда районда идеология ишларининг аҳволи ва КПСС XXIV съезди қарорлари асосида уни яхшилаш чоралари ҳақидаги масала муҳокамага қўйилди. Бу йиғилишга пухта тайёргарлик кўрилгани яққол сезилди. Бошланғич партия ташкилотлари ва барча идеология муассасаларининг фаолияти чуқур таҳлил қилиб борилди. Хўш, бу муҳокаманинг қайси томони характерли? Янгилик нимада?

Дастлаб шуни айтиш керакки, муҳокамага қўйилган масалага конкрет муносабат бўлинди. Аниқ далиллар, пухта таҳлиллар, таклифлар йиғилишнинг жонли ўтишини таъминлади. Иккинчидан, рўйхат асосида «штатли» нотиқларни минбарга таклиф қилишдан воз кечилди. Муҳокама тартиб-қоида, партия демократиясига қатъий риоя қилинган ҳолда, эркин мунозара тариқасида олиб борилди. Натижада йиғилганларда янги-янги фикр, мулоҳазалар туғилди, сўзга чиқишга ёзилмаган кишилар ҳам ўз фикрларини баён қилдилар.

Қўпчилик нотиқлар меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтиришнинг нақадар зарурлиги, тарбиявий ишларни кучайтириш учун барча воситалардан тўғри фойдаланиш, айниқса, ёшларнинг юриш-туриши, хулқ-одоби устидан назорат ўрнатиш, ичкиликбозлик, тартиббузарликка қарши курашиш, эскилик сарқитларига барҳам бериш, кишиларни дин таъсиридан сақлаш, янгича анъаналарни турмушга начиллик билан жорий этиш, гўй-ҳашам, маъракабозликларни тобора замонавийлаштириш каби масалалар тўғрисида астойдил жон куйдириб гапирдилар, партия ташкилотлари олдига конкрет таклиф ва талаблар қўйдилар. Музокаралардаги таклиф, мулоҳазалар асосида районда идеология ишларини янада яхшилаш вазифалари белгилаб олинди.

Шубҳасиз, районда оммавий-сиёсий ҳамда тарбиявий ишларни янада яхшилаш учун ҳали кўпгина тадбирларни амалга ошириш керак. Барча бошланғич партия ташкилотларида ҳам коммунист ва партиясизларнинг сиёсий ўқуви яхши ташкил қилинган, деб бўлмайди. «Назарбек» ишчилар кооперацияси, Куйбишев номли колхоз, «Тошкент» бўрдоқичилик совхози, 2-«Тошкент» совхози, Оржоникидзе номли колхоз ва қатор қурилиш ташкилотларида сиёсий машғулотларни мунтазам ўтказиб туриш эътибордан четда қолган. Район партия комитети ҳузурида сиёсий ташкилотчи ва сиёсий ахборотчилар учун семинарлар ўтказиш ишга қатъий изга солинмаган. Кўргазмали агитация воситаларидан район миқёсида етарли фойдаланилмаяпти.

Ҳозирги шароитда омма ўртасида иш олиб борадиган кадрларнинг ўзи билимдон, ҳар нарсадан хабардор, сиёсий жиҳатдан етук бўлишлари керак. Шунинг учун ҳам район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари агитатор, сиёсий ташкилотчи ва сиёсий ахборотчилар учун мактаб-семинарлар ташкил қилиш, уларни ғоявий жиҳатдан тайёрлаб бориш билан жиддий шуғулланмоқлари керак.

Яна кўзга ташланиб турган нуқсонлардан бири шуки, КПСС XXIV съезди материалларини пропаганда қилишда мавжуд куч, имконият ва турли воситалардан яхши фойдаланилмаяпти. Съезд қарорлари, янги беш йилликни асосий вазифаларини тушунтириш ишлари кўламини янада кенгайтириш зарур.

Съезд материалларини пропаганда қилишда район газетаси, маҳаллий радио ва маданий-оқартув муассасаларининг иштирокини кучайтириш зарур, чунки уларда оммага таъсир ўтказиш, меҳнаткашларнинг эътиборини антуал масалаларни ҳал этишга жалб қилиш учун қулай имконият ва хилма-хил воситалар бор.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари ва райондаги барча идеология муассасалари олдида ҳозирги шароитда бутун идеологияга, ғоявий-тарбиявий ишларнинг мазмуни ва шакли КПСС XXIV съезди қарорлари келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга бўйсундириш, ҳар бир оммавий-сиёсий тадбирда мақсадни конкрет акс эттириш, бутун куч ва воситаларни янги беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажаришга сафарбар қилишда тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини оширишдек жанговар вазифалар турибди.

Н. НАСИМОВ.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ОЛТИН ИЗЛАБ

Мицуно оиласи аъзолари мана 90 йилдирки, хазина излашяпти. Бу хазина 250 минг олтин тангадан иборат бўлиб, бизнинг кунларимизда унинг нархи 110 миллиард доллар атрофида, деб тахмин қилияпти.

Бу оила аъзоларидан бири ҳозирда молия министри ўринбосари лавозимига мос келадиган лавозимни эгаллаб, 1883 йилда вафот этганди. У ўғлига ёзган васиятда Акати (Япония) тогида, яъни Токиодан 100 километр нарида, император саройининг хазиналари кўмилганлигини ёзиб қўйган экан. Ўшандан бери Мицуно оиласи аъзолари шу тогда 128 та тоннель қазиб, бунинг учун миллиард долларлан кўпроқ пул сарфладилар. Аммо хазинадан дарак йўқ.

СЕҲРГАРЛИК — ОТА КАСБ

Машҳур ҳинд сеҳргари Сакорнинг ўғли Продип отасининг касбини давом эттиришга қарор қилиб. Калькуттага яқин жойда Бенгалия қўлтиғида ўз санъатини намойиш қилди.

Уни қалин матога ўралган каттакон ярим тонналик сандиққа жойлашди ва денгизга улоқтириб юборишди. Орадан 90 секунд ўтгач, сеҳргар сув юзасига сузиб чиқди. Энди Продик учиб бораётган бир самолётдан бошқасига сакраб ўтишга ҳозирлик кўраяпти.

ЎРИНДИҚСИЗ ПОЕЗД

Япония темир йўлларидан бирида пассажир ташувчи бир ғалати поезд қатнайди. Жаҳонда битта бу поезд вагонларида ўриндиқ ўрнига қалин матодан ишланган супача ва мужаз ёстиқлар бор. Купега кирган пассажирлар оёқдаги пойафзалларини ечиб, йўлакда қолдирадилар. Поезднинг олти вагонида 300 пассажир бемалол жойлашди.

ҚИСҚА САТРЛАР

▲ Бешқайрагочда 6-поликлиника ишга тушди. Уч қаватли муҳташам бинони «Главташкентстрой»га қарашли 6-қурилиш трести 33-қурилиш ошқармасининг бинокорлари ёнғёд этдилар.

Х. ЗАННИДДИНОВ.

▲ Пойтахтдаги Болгарское огороди массивида истиқомат қиладиган Али Қосимов республика пул-буюм лотереясининг учинчи чиқарилишида 13342 серия, 023 номерли лотерея билетига «Запорожец» автомашинаси ютди. Шаҳар гулчилик ва декоратив совхозининг ишчиси ютуқдан ниҳоятда мамнун.

Н. РУСТАМОВ.

▲ Бекобод районидаги Олмазор қишлоғида болалар боғчаси қуриб, фойдаланишга топширилди.

М. ТОШМАТОВ.

▲ Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрининг бир группа артистлари Оққўрғон районидаги Калинин номли колхоз меҳнаткашларига катта концерт қўйиб беришди.

▲ Шу райондаги Навоий номли колхозининг «Ойтамғали» участкасида аралаш моллар магазини ишга туширилди.

Т. ТУРҒУНБОЕВ.

▲ Ангрен шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан Нишбош қишлоғида янги поликлиника қуриб фойдаланишга топширилди. Пункт замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

▲ Ангрендаги 72-автобаза коллективи қўшни Соғлом қишлоғидаги 27-ўрта мактабни оталикка олган. Яқинда улар ҳар бири 40 ўқувчига мўлжалланган иккита синфхона қуриб бердилар.

Ш. ЖАББОРОВ.

▲ Келес жун фабрикаси ҳузурида ишчилар учун 50 ўринли янги ошхона фойдаланишга топширилди.

Шуниндек Кўктерак посёлкасида ҳам янги озиқ-овқат магазини меҳнаткашларга хизмат қила бошлади.

Т. ЖЎРАЕВ.

ЯХШИ ДАМ—МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Ҳозир ҳордиқ чиқариш мавсуми. Дам олиш уйлари ва санаторийлар кишилар билан гавжум. Областимизнинг кўпгина меҳнаткашлари ўз меҳнат отпускаларини «Кумушкон», «Сўқоқ», «Октябрь 40 йиллиги» ва бошқа дам олиш уйларида ўтказмоқдалар.

Кумушкон. Дам олиш учун бу ерда ҳамма нарса муҳайё. Энда узунлиги 50 метр, кенглиги 25 метр чўмилиш ҳавзаси ҳам яратиш мўлжалланяпти. Езги мавсумда бу ерга келувчилар сони анча кўпайиши ҳисобга олиниб, юз эллик ўринли ёзги шийпон қурилди. Ҳозир 750 дан ортиқ киши бу ерда дам олмоқда. Улар учун икки қаватли ўнта корпус ва 45 та коттеж мавжуд. Шу йилнинг ўзида яна 200 дан ортиқ киши мамлакатимизнинг турли жойларидан келиб, бу ерда ҳордиқ чиқармоқда.

М. ЗАРИПОВ.

МАТБААЧИЛАРНИНГ ЯНГИ ОТРЯДИ

Куни кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти тажрибали мутахассислар ва матбаачилар билан гавжум бўлди.

Ноз-неъматлар билан тузалган столлар атрофида шаҳримиздаги 9-полиграфия билим юртининг бир группа битирувчилари — 40 йигит-қиз ўтиришибди: улар бугун улкан ва шарафли коллектив — республика Компартияси Марказий Комитети нашриётининг матбаачилари сафига қўшилишади. Табрик учун сўз нашриёт партия комитетининг секретари Т. Исҳоқовга берилди:

— Укаларим ва сингилларим! Мана сиз, уч йил мобайнида билим даргохида шарафли касб эгаси бўлдингиз. Бу даргоҳ республикадагина эмас, балки Иттифоқ миқёсида катта аҳамиятга эга бўлган матбаа марказидир. Нашриётимиз ўзининг 40 йиллик фаолиятида ҳад—ҳисобсиз нусхада китоб ва вақтли матбуот нашрларини босмадан чиқарди. Нашриётимиз Иттифоқда учинчи ўринда туради. Биз 9-полиграфия билим юрти билан ҳамиша мустаҳкам алоқада бўлиб келдик ва шундай бўлиб қоламиз. Ҳозирги кунда нашриёт директори бўлган И. Шоғуломов, бош механик Ю. Еқубов, цех бошлиги Т. Музаффаров ва бошқа кўплаб ходимлар, тажрибакор матбаачилар шу билим юртида дастлабки таълимни олишган. Сиз бу ерда унумли меҳнат қилиш билан бирга, маданий хордиқ чиқариш учун ҳам имкониятга эгасиз. Нашриёт ҳузурида конкурсларда бир неча марта ғолиб чиққан халқ театри, шинам ва катта клуб, ҳушҳаво, манзарали тоғ бағриларида дам олиш уйларимиз мавжуд. Орангизда комсомол тўйларини ўтказувчилар чиқиб қолса, бош устига, бизда бу ҳам анъанага айланиб қолган.

Сўнгра бош механик Ю. Еқубов директор ўринбосари Ф. Абдураҳмонов, 27 йилдан буён цех бошлиги лавозимида ишлаб келаётган Т. Музаффаров ва бошқа ўртоқлар ҳам ёш матбаачиларни шонли коллективга қўшилаётганлари билан табрикладилар. Сўнгги табрик сўзи билим юртининг директори М. Иброҳимовга берилди.

— Мана сиз,— деди у ўз тарбияланувчиларига қарата,— уч йил давомида ҳарф терувчи, муқовачи, стереотипчи, линотипчилик касбларини ҳар томонлама пухта ўзлаштирдингиз. Лекин, бунинг ўзигина етарли эмас. Улкан коллективда ишлаш зиммангизга юксак масъулият юклайди. Сиз бу ерда изланиш ва ўқиш ўрганишда давом этасиз, деб умид қиламан. Оқ йўл!

Тантанали қабул маросими охирида ёш матбаачиларга нашриёт фаолият йўлини ҳикоя қилувчи «Йўлимиз боқичлари» номли китоб совға қилинди. Маросим қатнашчиларига нашриёт ҳузуридаги халқ театри катта концерт қўйиб берди.

Х. ОЛИМЖОНОВ.



Шу кунларда Москвада VII Халқаро кинофестиваль ўтаяпти. Суратда: совет киноактёрлари Кирилл Столяров ва Лидия Смирнова Япония киноактрисаларидан Нобуко Отова (чапдан иккинчи) ва Пизко Байсе (ўнгда)лар билан ўзаро суҳбатлашмоқда.

А. КОНЬКОВ фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ТАН ОЛИШДИ

(БОШИ ГАЗЕТАНИНГ ГЕНАЛГИ СОНИДА)

Бу гапни эшитган Анзират бобиллаб кетди.

— Сен бировга яхшилик қиласан, у-чи ёмонлик, сен жонингни берасан, у бўлса азроил, сен яхши бўлгин дейсан, у акси, сен товонингда ош берасан, у бўлса тупуради. Сен ёш болани ҳурмат қиласан...

— Бўлди. Автоматга ўхшаб тата-тат қилаверма. Шу кеча тинч қўй. Эртага ҳамма масала ҳал бўлади.

— Бу нонсофларга озмунча меҳнатимиз сингдими? Маҳалладан одам олиб келасиз, ўшаларнинг гувоҳлигида мен ҳам кўнглимдаги гапларни айтиб, юрагимни бўшатиб, кейин бўлак бўламиз. Машина ўзимники деб юрган бойваччага гапим бор,— деди.

Соат 10. Асқарнинг уйи. Дастурхон атрофида маҳалла комитетининг раиси, активлари, ака-ука, овсинлар ўтиришибди. Бир-бирларига гап қотиш, ҳазил-мутойиба ҳам йўқ. Ҳамма бир-бирига зимдан қарайди-ю, гапира олмайди. Жимликни Асқар бузди.

—Нима қиламиз, укалар. Бўлак бўламизми ёки гап-сўзсиз бирга яшаймизми. Мана шу маҳалла аксақолларининг олдида айтинглар. Кейин гап бошқа ёқда.

— Бизлар нима дердик. Изм сизларда-да.

— Менинг фикримча, ака-укалар ўртасида бўлинадиган, жанжалга сабаб бўладиган нарса йўқ. Биз фақат гувоҳ тариқасида қатнашяпмиз,— деди активлардан бири.

— Отамиздан қолган давлат бормидик, ўшани талашсак,— деб кулди Асқар.

— Нега бўлинадиган мол бўлмас экан, «Волга»ни нима қиласизлар, — деди Анзиратхон.

— Буни укам ўз пулига олган. Машинада ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, — эътироф билдирди Аскар.

— Хо.— деди пешанасини тириштириб Анзиратхон, ўша пулбизнинг қозонга ғушадиган пулдан келганми? Ҳа, худди ўша пулдан. Шунинг учун «Волга»ни ҳам бўламиз. Бусиз мен рози ҳам, бўлак ҳам бўлмайман.

Кичик укаси машинанинг калитини акасига узатиб:

— Мана, шу гувоҳлар олдида машинани Асқар акамга бердим,— деди.

— Бунақа пичинг кераги йўқ,— деди катта келин, — кўпчиликнинг олдида тантилик қилиб, эртага менинг бошимни уриб ёради. Шунинг учун машина нарх қилинади. Ким пулини тўласа ўша олади.

— Биз ҳам бу ерга кириб келишда машина жанжал бўлса керак, деб ўйловдик. Тахмин тўғри чиқди.—деди раис. Машина пулга чақилди. Укаси иккала акасини рози қилиб машинани олиб қоладиган бўлди.

Ака-укалар силлиққчилик билан бўлак бўлгандан кейин маҳалла комитетининг раиси Фотиҳа ўқиб ўрнидан турмоқчи эди, катта келин бир пиёла чой ичишни, икки оғиз гапи борлигини айтиб раисни ўтқазди.

— Агар вақтинглар бўлса менинг икки оғиз гапимни эшитсанглар.

— Яхшилик бўлса қулоғимиз сизда,— деди раис кулиб.

— Бундан икки ойча бурун ада-си кўчадан хурсанд бўлиб келдилар. Сабабини сўрасам, маҳалладаги маслисда бизнинг оила яхши оилалар қаторида тилга олинибди. Адалари керилиб, оилани бошқариш асосан эркаклар қўлида. Эркаклар қаттиқ турса уйда жанжал чиқмайди, дедилар. Мен айтдимки, ҳой, адаси, қарс икки қўлдан чиқади оилани мустаҳкамлашда хотин кўши ҳам катта роль ўйнайди десам, индамадилар. Шу-шу ўртада гап айланиб қолди. Биз уччала овсин жанжал чиқарадиган бўлдик. Болаларимизни рўкач қилиб ака-укаларни бир-бирига ёмонлаймиз. Хуллас бизларнинг жанжалимиз ака-укалар ўртасига нифоқ солди.

Жони ҳалқумига келган, битта майзини бўлиб ейдиган жигарғўшалар охири бўлак бўлишди. Оилани бошқаришда роли йўқ овсиплар бўлак бўлгани йўқ. Қозони битта. Энди сизлар баҳсли масалани ечиб берсангизлар. Оилани мустаҳкамлашда аёллар асосий роль ўйнайдими, эркаклар.

— Оббо, онахонлар-ей, гап бу ёқда денглар. Сизларга ён бермай бўладими. Оилани бошқариш, уни мустаҳкамлаш. болани тўғри тарбиялаш албатта сизлардек ақлли, уддабурро, қўлигул онахонлар измида. Бунда Асқар адашганлар.

— Энди масалани адолат юзасидан ҳал қилинишини сўраймиз,— деди кулиб Анзират.

Асқар севинганидан кичик укасига тапинлади:

— Холодильникдан закуска, убуларни олиб чиқ. Мана бу акаларинг билан бугун шу ерда нажрҳўрлик қиламиз. Қани, қозонга оловни ёқ. Овқатни пишир. Биз бой бердик. Тан олдик, бундан кейин катта гапириш йўқ.

Зиёвуддин ОРИПОВ.

Реклама ва Эълонлар

Узбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлиги АКАДЕМИК Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ТОШКЕНТ МЕВА-САБЗАВОТ ТЕХНИКУМИ 1971-1972 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум колхоз, совхоз, ўрмон хўжалиги учун ўрта малакали мева-сабзавотчилик бўйича агрономлар, техник-механиклар ва ўрмончилик техниклари тайёрлайди.

Мева-сабзавотчилик, техник-механик ва ўрмон хўжалиги бўлимларида қўшимча равишда шофёрлик ва трактордин квалификацияси берилади.

Техникумга ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 10-11 синфни тамомлаганлар учун 2 йилу 6 ой, 7-8 синфни тамомлаганлар учун 3 йилу 6 ой.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳонлар топширадилар:

7-8 синфни тамомлаганлар: она тили (диктант), математика (ёзаки). Бундан ташқари техник-механиклар учун математика (ёзма).

Ўрта маълумотлилар: мева-сабзавотчилик ва ўрмон хўжалиги бўлимлари бўйича: она тили (иншо), кимё (оғзаки), механизация бўлими бўйича она тили (иншо), математика (оғзаки ва ёзма).

Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган, Совет Армияси ва Ҳарбий-денгиз флотидан демобилизация қилинганлар, иш стажига эга бўлган ва корхона, совхоз ва колхозлар йўлланмаси билан келганлар конкурссиз қабул қилинадилар.

Кириш имтиҳонлари 1 дан — 30 августгача ўтказилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: аттестат ёки гувоҳнома (асли), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 286-формадаги медицина справкаси, 3 дона 3х4 сантиметр ҳажмидаги фотосурат.

Паспорт шахсан кўрсатилади.

Техникумга кирувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Стипендия умумий тартибда тўланади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Оржоникидзе район, Гулистон қишлоқ совети (107, 108 автобусларнинг «Гулистон» қишлоқ совети» ёки «Шўро—Бозор», 105 автобуснинг сўнгги «Кенсай» участкаси бекатлари).

Спорт

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ МЕДАЛЛАРИ

СССР халқлари V спартакиадасининг финал мусобақалари якунланиб, бугун спартакиада байроғи туширилади. Сўнгги кунларда боксчиларимиз, волейболчи қизларимиз Ўзбекистон командасига қимматли очколар олиб бериш учун астойдил ҳаракат қилдилар.

Тошкентлик чарм қулпоқ устаси Рифат Рихснев ҳамма рақибларини енгиб, финал «жанг»ига чиқди. У Ўзбекистон командаси учун иккинчи олтин медални олиб бериш учун ҳаракат қилади. (Биринчи олтин медални ёш сузувчи С. Гаранин 1500 метрлик масофага ўтказилган мусобақада қўлга киритган эди).

Рихснев финалгача бир неча чиройли учрашувлар ўтказди. У аввал Грузия боксчиси Юмукянни катта устунлик билан енгди. Чорак финалда Қирғизистон вакили Батурини нокаут қилди. Сўнгра Москвалик кучли рақиби В. Лемешев унинг зарбаларига дош бера олмади. СССР чемпиони Николай Хромов ҳам ғалабага жуда яқин эди. Финалга чиқиш учун у О. Гуров (Қозоғистон) билан куч синашиши лозим эди. Мусобақани ҳамшаҳримиз яхши ўтказди. Лекин ҳужумга берилиб кетиб, яқин масофадаги жангда қошидан шикастланди. Бундай камчилик тошкентлик боксчини илгарилари ҳам ғалабадан маҳрум этган эди. Хромов бронза медали билан чекланадиган бўлди.


Самарқандлик Николай Анфимов ҳам ярим финалга чиқди. Ўзбекистон командасидан И. Муллаев, А. Ли, Х. Содиқов, Б. Ниёзовлар чорак финалгача муваффақиятли қатнашиб, делегациямизга икки яримтадан очко олиб бердилар.

Олимпиада чемпиони Вера Дуюнова бошлиқ волейболчи қизларимиз кучли олтилик сафида мусобақалашаётганлигини илгари хабар берган эдик. Қизларимиз Россия Федерацияси командасига қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Лекин тажрибали рақиблар устунлик қилишди. Аммо Украинанинг кучли командаси билан бўлган мусобақада эса медаллар учун астойдил кураш олиб бораётганликларини кўрсатдилар. Икки соат давом этган бу олишув 3:2 ҳисобида ўзбекистонликлар фойдасига ҳал бўлди.

Қўл тўпи командаларимиз кучли саккизликка кириш учун нятилишмоқда. Аёлларимиз ленинградликлардан 14:5 ҳисобида енгилишди. Йигитларимиз латвияликларни 17:16 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

ДУРАНГЛАР ТУРИ

28 июль куни мамлакат чемпионатида тўртта учрашув бўлди. Ундан учтаси дуранг бўлиб тугади: «Торпедо» (Москва) — «Динамо» (Тбилиси)— 1:1. Тўпларни Смирнов ва Г. Нодия киритдилар. «Карпати» —«Арарат» — 2:2, «Динамо» (Минск) — «Заря» — 0:0. «Зенит» ўз майдонида Олмаотанинг «Қайрат» футболчиларини 2:1 ҳисобида енгиб, 15 ўриндан 13-ўринга кўтарилди. «Қайрат» футболчиларининг икки кун аввал Софияда бўлган учрашувида чарчаб колганлиги бу ўйинга таъсир қилди. «Қайрат» Болгария пойтахтининг «Локомотив» командасини 3:0 ҳисобида енгиб, темирйўл футболчиларининг Европа кубоги финалига чиқди. Финалда у Бухарестнинг «Рапид» командаси билан учрашади.



Ленин комсомоли номидаги Москва театрида Анатолий Сафроновнинг янги пьесаси «Мақтаққатли йўл»нинг премьераси бўлди. Асарда Вьетнам халқининг Америка агрессорларига қарши қаҳрамонона кураши ҳикоя қилинади.

Спектаклни Ўзбекистон ССР халқ артисти А. О. Гинзбург ва О. Я. Чубайсалар саҳналаштирган. Саҳна безакчилари — И. С. Глазунов ва Г. В. Шевелев. Композитор Гроховский музика басталаган.

Суратда: спектаклдан бир кўриниш. Жон — артист А. Л. Ковалев, Роберт — артист В. Ф. Речман (ўнгда).

М. СТРОКОВ фотоси, ТАСС фотохроникаси.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Ҳозир район ва шаҳар марказларида 15 дан ортиқ кир ювиш комбинатлари ва ҳаммомлар ишлаб турибди.

Шу кунларда Кибрай марказида 50 ўринли ҳаммом ҳамда қар соатига 250 килограмм кир ювиш қувватига эга бўлган комбинат қуриш ишлари тугалланди. Бекобод райони марказида ҳам соатига 500 килограмм кир ювиб берадиган комбинат ва ҳаммом қурилмоқда. Комбинатда тезроқ кир ювиш машиналари ўрнатилмоқда.

Яқин келгусида шундай ҳаммом ҳамда кир ювиш комбинатлари областимизнинг Олмалиқ, Бекобод, Пискент шаҳар ва район марказларида ҳам қад кўтаради. Йил давомида ҳаммаси бўлиб 7 та кир ювиш комбинати ва ҳаммом ишга туширилади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Миртеш кайнонаси — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 11, 3, кеч 7 ва 10 яримда), «КЎКЧА», (кундуз ва кечқурун).

Ҳаммаси сотилади — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1,5 кеч 8.45 минутда).

Ҳамроз (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ва кеч 6.20 минутда).

Майерлинг — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3 кеч 6 ва 9 да), «ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз 1, 4, кеч 7 ва 9.45 минутда), «ЧАЙКА» (кундуз соат 11, 1 ярим, 4 кеч 6 яримда), «МОСКВА» (эрталаб соат 10 ярим, кундуз 1, 3 ярим, кеч 6 ва 8 яримда), «ДРУЖБА», «СПУТНИК», (кундуз ва кечқурун).

Беш баҳодир — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Бегуноҳ бўлса озод эт! — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11, 1, 3, 5, ярим кеч 7 ярим ва 9.15 минутда).

Канонир саргузаштлари «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12 ва кеч 8 да), ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Майерлинг — ТЕЛЬМАН номли, «ХИВА».

Беш баҳодир — «ФЕСТИВАЛЬ».

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

19.00 Кўрсатувлар программаси.

19.05 — «Ахборот» информацион программаси (рус тилида).

Ўзбек тилида: 19.20 — Шоирлар-болаларга, 19.40 — КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! Юксалиш программаси. 20.00 — «Ахборот» информацион программаси, 20.15— Рангли телевидение. Андижон шаҳар «Ёшлик» халқ ансамблининг чиқиши (тажрибали кўрсатув). 21.05 — Ленин йўлидан. «Съездан-съездгача» (Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг «1967 йил» ҳақидаги 2 сериясы), 21.55 — «Ёзувчи ва беш йиллик», 22.25 — Кўрсатувлар программаси.

22.30 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.50 — «Мўъжиза билан учрашув» (телевизион фильм, рус тилида).

19.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

22.30 — «Чўли кампир бор экан» (бадиий фильм, ўзбек тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00 — Врач маслаҳати (ўзбек тилида).

Рус тилида: 20.10 — Фильм-концерт, 21.10 — «Тўлқинда-02», 21.40 — «Багри тош отанинг ўғиллари». (бадиий фильмнинг 2-сериясы).

«Ўзбекгидроэнергострой» трести коллективи «Главсредазирсовхозстрой»нинг бошлиги

Акоп Абрамович САРКИСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 04283. ИНДЕКС 64697. А. 1799.